



## ПРЕЗИДЕНТЛАР ҚЎШМА БАЁНОТ ИМЗОЛАДИ

Қозоғистон Президентининг Ереванга расмий ташрифи доирасида қуйидаги ҳужжатлар имзоланди:

1. Қозоғистон Республикаси Ҳукумати ва Арманистон Республикаси Ҳукумати ўртасида миграция соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битим;
2. Қозоғистон Республикаси Ҳукумати ва Арманистон Республикаси Ҳукумати ўртасида фуқароларнинг ташрифи тўғрисидаги Келишув;
3. 2006 йил 6 ноябрдаги Қозоғистон Республикаси Ҳукумати ва Арманистон Республикаси Ҳукумати ўртасида халқаро автомобиль қатнови тўғрисидаги Битимга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Баённома;
4. Қозоғистон Республикаси ва Арманистон Республикаси авиация ташкилотлари ўртасидаги ўзаро Англашув меморандуми;
5. Қозоғистон Республикаси Манғистов вилояти ҳокими девони ва Арманистон Республикаси Армавир вилояти ҳокимлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандум;
6. Қозоғистон Республикасининг Шимкент шаҳри ва Арманистон Республикасининг Ванадзор шаҳри ўртасида ҳамкорлик ва қардошлик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги Меморандум;
7. Қозоғистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги ва Арманистон Республикаси Таълим, фан, маданият ва спорт вазирлиги ўртасида 2024-2026 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури;
8. Қозоғистон Республикаси Ҳукумати ва Арманистон Республикаси Ҳукумати ўртасида 2024-2025 йилларга мўлжалланган савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича "Йул харитаси";
9. Қозоғистон Республикаси Рақамли тараққиёт, инновациялар ва аэрокосмик sanoat вазирлиги ҳамда Арманистон Республикаси Юқори технологиялар sanoati вазирлиги ўртасида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Англашув меморандуми;
10. Астана ва Ереван ўртасида қардошлик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги Меморандум.

Akorda.kz.

## ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ВА БОЛАЛАР ХАВФСИЗЛИГИ ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА

Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев "Қозоғистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хотин-қизлар ҳуқуқлари ва болалар хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" ва "Қозоғистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" ҳамда "Хотин-қизлар ҳуқуқлари ва болалар хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида" Қозоғистон Республикаси Қонуларини имзолади.

Эспатиб ўтамыз, Давлат раҳбари 2022 йил 16 март ва 2023 йил 1 сентябрь кунлари Қозоғистон халқига йўллаган Мақтуларда хотин-қизлар ва болаларга нисбатан зўравонлик учун жазони кучайтириш юзасидан кўрсатмалар берган эди.

Киритилган тузатишлар жамиятда қизгин муҳокама қилинди. Парламент палаталари мажлисларида Миллий курултой аъзолари, нодавлат, нотижорат ташкилотлари, Президент ҳузуридаги Хотин-қизлар ишлари ва oilaviy-демографик сиёсат бўйича миллий комиссия, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Болалар ҳуқуқлари бўйича обмудсман девони вакиллари иштирок этди.

Хотин-қизлар ва болаларга нисбатан ҳар қандай зўравонлик учун жавобгарликни кучайтирувчи, шунингдек, oila институти ва вояга етмаганларнинг хавфсизлигини таъминлашни мустаҳкамловчи меъёrlар жорий этилди. Шу жумладан, энди солиққа қасддан енгил зарар етказиш ва тажовуз қилиш жиноий ҳуқуқбузарлик деб ҳисобланади. Солиққа ўрта ва оғир даражада қасддан зарар етказган фуқароларга нисбатан жавобгарлик кучайтирилди.

Қонунларда никоҳ ва oila қонунчилигининг никоҳ ва oila, ота, она ва бола институтини мустаҳкамлашга асосланган янги тамойиллари, шунингдек, умуминсоний, миллий, анъанавий, маданий ва oilaviy кадрларга ҳурмат асосида болаларнинг ахлоқий ва маънавий тарбиясини таъминлаш тамойиллари белгиланди.

Одамни ўз жонига қасд қилишга олиб келиши, ундаш ва унга таъсир кўрсатиш, шунингдек, таҳдид билан ўз жонига қасд қилишга даъват этиш ҳам озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

Қонунлар матни Akorda.kz. сайтыда эълон қилинди.

24.kz.

ДЕҲҚОНЛАР  
КАРАМ  
ЙИҒИШМОҚДА

2-бет

НАВРЎЗНИ  
ЯҚИНЛАШТИРГАН  
ИНСОН ЭДИ

3-бет

АМИР ТЕМУР  
НОМЛИ  
МАКТАБДА

4-бет

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси



# Жанубий Қозоғистон

janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган  
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2024 йил 18 апрель, пайшанба, №43 (3389).

## ТОШҚИН АСОРАТЛАРИ БАРТАРАФ ЭТИЛАДИ

ДАВЛАТ РАҲБАРИ  
АМАЛИЙ ТАШРИФ  
БИЛАН ШИМОЛИЙ  
ҚОЗОҒИСТОН  
ВИЛОЯТИГА БОРДИ



Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг хизмат сафари вертолётда Сергеевка сув омбори, Қизилжар тумани ва Петропавл шаҳри атрофини кўздан кечиришдан бошланди.

Вилоят ҳокими Ғафез Нурмухамбетов Давлат раҳбарига Шимолий Қозоғистон вилоятининг Қизилжар, Есил, Шал ақин туманлари ва Петропавл шаҳридаги сув тошқинлари билан боғлиқ вазият ҳақида ахборот берди. Вилоят ҳокимининг маълум қилишича, олти туманда фавқулодда ҳолат эълон қилинган. Ҳозирда 2000дан зиёд уй сув остида қолган, 10345 киши хавфсиз жойга кўчирилган.

Сув тошқинларининг олдини олиш тадбирларида 5270 киши, 906та техника сафарбар этилган. Одамлар ҳаёти учун зарур бўлган инфратузилмаларни тиклаш ишлари давом этмоқда. Табиий офатдан жабрланган фуқароларнинг моддий зарарларини ҳисоблаш ва қоплаш бўйича комиссия тузилди.

Эвакуация қилинган ҳудудлар аҳолиси билан учрашув чоғида Қ. Тўқаев табиий офат туфайли етказилган зарарни қоплаш учун мамлакат барча чораларни кў-

ришини айтди. Айни пайтда сув тошқинидан жабр кўрган барча аҳолига бир марталик моддий ёрдам берилипти ва бадал тўлаш комиссияси томонидан моддий зарар ҳисоблаб чиқилгач, тўланади. Уй-жойи вайрон бўлган фуқаролар учун янги уй-жойлар курилади ва барча зарур инфратузилма билан таъминланади. Бундан ташқари, зарар кўрган фуқароларнинг кредитларини тўлаш муддати узайтирилади.

Давлат раҳбари ҳар бир фуқаро давлат этиборида бўлишини таъкидлади.

– Мамлакат бўйлаб офат оқибатларини бартараф этиш чораларини кўряпмиз. Юқорида айтганимдек, Ҳукумат барча жабрланган фуқароларни қўллаб-қувватлайди. Ҳар бир фуқаро, ҳар бир oila давлат гамҳўрлигида бўлади. Бу мен учун асосий вазифа, – деди Қ. Тўқаев.

\*\*\*

Давлат раҳбари мамлакатнинг қатор ҳудудларида сув тошқини

туфайли юзага келган мураккаб вазиятни инобатга олиб, Ҳукумат, марказий давлат ва маҳаллий ижро ҳокимияти органларига бюджет маблағларини тежаш мақсадида ийрик тадбирларни ўтказмаслик юзасидан топширилди.

– Бюджет маблағларини тежаш мақсадида мамлакатимизда ийрик халқаро анжуман ўтказишдан бош тордим. Шу билан бирга, Жаҳон кўчманчилар уйлари ўтказиш харажатларини ҳам камайтирамиз. Албатта, бу тадбирдан бутунлай воз кечиш мумкин эмас. Аммо унга сарфланган пул миқдори сезиларли даражада қисқаради. Бундан ташқари, мамлакатнинг Токиодаги Бутунжаҳон кўргазмасидаги иштироки учун ажратиладиган бюджет маблағлари ҳам қисқартирилади, – деди Президент.

Қасим-Жўмарт Тўқаев барча давлат органлари сув тошқинидан сабоқ олишлари кераклигини айтди.

– Бизда бундай фавқулодда вазиятлар ҳақида эрта огоҳлантириш тизими йўқ. Мутасадди мутахассислар ҳам етишмаяпти. Шу боис, гидротехник кадрлар

тайёрлаш бўйича шошилинч қарор қабул қилинди, – деди Давлат раҳбари.

Президент сув тошқинидан жабр кўрган аҳолига ёрдам бераётган кутқарувчилар, кўнгилчилар ва ишбилармонлар билан ҳам учрашди.

Қ. Тўқаев фавқулодда вазият пайтида вилоят аҳолиси юқори даражада ташкилотчилик кўрсатганини таъкидлаб, табиий офатга қарши курашаётган барча фуқароларга миннатдорчилик билдирди.

Қозоғистон халқи Ассамблеяси раисининг Шимолий Қозоғистон вилояти бўйича жамоатчилик асосидаги ўринбосари Елена Семидоцких Президентга вилоятнинг ҳар бир туманида инсонпарварлик ёрдамини қабул қилиш пунктлари очилгани ҳақида маълумот берди.

«Birgimiz» кўнгилчилар идораси етакчиси Анастасия Волкова фавқулодда вазиятларда ҳар қандай кўнгилчиларни тайёрлайди ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради.

Akorda.kz.

### • Обуна–2024

#### Қадрли газетхон!

“Жанубий Қозоғистон” рўзномасига обуна бошланди.

Ҳиммат кўрсатаман, деганлар нафақадорлар, ногиронлар, кам таъминланган oilаларни газетлага обуна қилишда ҳомийлик қилишлари мумкин.

Ягона мақсадимиз – газетанинг ададини ошириб, кейинги авлодга ёруғ юз билан етказиш. Бунинг учун миллий гурури юксак инсонлар сафини кенгайтириш лозим. Ана шу эзгу мақсад йўлида барчамиз бир тан, бир жон бўлиб, аҳилликда бирлашсак, нур устига аъло нур бўларди. Токи тарих, маданият, маърифатни улуглаган халқимизнинг зиёвга чанқоқлиги барчага ибрат бўлсин.



6 ойга обуна баҳоси:  
«Қазпошта» ҲЖ орқали –  
Туркистон вилояти бўйича – 3415,50 тенге;  
Шимкент шаҳри бўйича – 3095,15 тенге.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 65466

Мамлакат бўйлаб 10 апрель куни бошланган экологик лойиҳа 11 майгача давом этади. Ҳар ҳафтага алоҳида ном берилиб, турли йўналишларда экологик тадбирлар ташкил этилмоқда.



## ТОЗАЛИК – ЮКСАК МАДАНИЯТ ИФОДАСИ

Мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш, аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилган “Тоза Қозоғистон” лойиҳаси доирасида ҳудудларда қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Ҳудудлар ободлиги, тозаллигини таъминлаш мақсадида уюштирилаётган кўнгилчилар ҳашари кўплаб юртдошларимизда хайрихоҳлик уйғотиб, жамоатчилик диққатини жалб этаётганлиги қувонарлидир.

“Муқаддас макон” ҳафталиги доирасида маданият соҳаси жамоалари иш бошлади. Хусусан, “Фараб” кутубхонаси ходимлари вилоятдаги тарихий-маданий обидаларни ободонлаштириш мақсадида шаҳар яқинидаги “Гавҳар она” мақбараси ҳудудини тартибга келтиришди.

Куннинг иккинчи қисмида “Буюк Дашт эли” маркази ходимлари томонидан “Алихўжа ота” тарихий обидаси ҳудудида тозалаш ишлари олиб борилди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

▼ Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати хабар қилади:

# ЯНГИ ИНШООТЛАРДА – ПЕТРОГЛИФЛАР



Туркистон шаҳрида қизгин олиб борилаётган ободонлаштириш ва қурилиш ишлари вилоят ҳокими Дархан Сатибалдининг бевосита назоратида. Вилоят раҳбари раислигида ўтган мажлисда барпо этилаётган иншоотларнинг меъморчилиги ва янги лойиҳалар тақдим этилди.

Маъмурий-тадбиркорлик маркази ва Маданий-маънавият марказида барпо этилаётган янги иншоотларнинг намуналари муҳокама қилинди.

– Туркистон шаҳрида қурилаётган бинолар сайёҳларни ўзига жалб этадиган бетакрор

услуга бўлиши керак. Хунармандлар устaxonаси жойлашган сайёҳлик мажмуаси минораларида Арпаўзен тим-соллари – петроглифлар тасвирланиши керак, – деди Дархан Сатибалди.

Ушбу мажмуанинг мақсади – нафақат сайёҳларни жалб қилиш, тадбиркорликни ривожлантириш, балки бой маданий меросимизни сақлаб қолиш. Хунармандлар шаҳарчасининг умумий майдони – 9 минг квадрат метрга яқин. Буюк Ипак йўли бўйида жойлашган шаҳар марказида қад ростиладиган янги шаҳарчанинг лойиҳаси ўзгача. Келгусида бу ерда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш орқали янги иш ўринлари очил, сайёҳликни ривожлантириш кўзда тутилган.

Вилоят ҳокими иншоотларнинг барчасида Шарқ ҳамда миллий меъморчилик нақшлари тасвирланиши ва янги иншоотларни вақтида фойдаланишга топшириш зарурлигини таъкидлади.

Мажлисида шаҳардаги галерея лойиҳаси, бизнес марказининг ташқи қиёфаси, миллий уйинлар майдони лойиҳаларига киритиладиган ўзгаришлар қўллаб-қувватланди.



## ЖАМОАТ АРБОБИ – ШАНБАЛИКДА

«Тоza Қозоғистон» республика акциясининг «Муқаддас макон» ҳафталиги доирасида Байдибек туманининг муқаддас қадамжолари ва сайёҳлик жойларини ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Давлат ва жамоат арбоби Ўразкул Асангазикизи ҳам ҳафталикка ҳисса қўшмоқда. Байдибек туманига ташриф буюрган арбоб туман ёшлари билан биргаликда «Аппақ ишан» меъморий-санъат музейи ҳавлисига арча кўчатлари ўтказди.

Ҳафталик давомида вилоятимизда жами 170та тадбир ўтказилиши режалаштирилган. Хусусан, зиёратчилар ва сайёҳлар кўп ташриф буюрадиган Саврон шаҳри, «Уккоша ота» ва «Осуф ота» мақбаралари, «Исҳоқ ота» ва «Йиғлоқи ота» мақбаралари каби муқаддас қадамжоларда тозалаш ва ободонлаштириш ишлари юритилди. Келгусида «Яшил ҳудуд», «Ибратли авлод», «Зилол булоқ» акциялари доирасида тадбирлар амалга оширилади.

## ГУЛЛА, ЯШНА ТУРКИСТОН!

«Тоza Қозоғистон» республика акциясининг «Муқаддас макон» ҳафталиги доирасида Туркистондаги Х. А. Ясавий мақбараси атрофида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Бугунги кунда мақбара ҳудудига 62 мингдан зиёд гул кўчатлари ўтказилган. Бундан ташқари, мақбара атрофида тозалаш ишлари олиб борилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йили баҳорда шаҳарда тожихўроз, заъфарон, атиркул каби 34 036 туп гул экилган. Кўзда эса атиркул, хризантема, гортензия, лола ва бошқа 94 000 туп гул кўчатлари ўтказилди.

## «ТОЗА ҚОЗОҒИСТОН» АКЦИЯСИГА ҲИССА ҚЎШИШДИ

Вилоятимизда «Тоza Қозоғистон» акцияси доирасида «Тоza ўлка» ҳафталиги ўтди. Давлат раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган республика тадбирида табиат жонкуярлари ҳам иштирок этди. Шанбаликда вилоят табиий захиралар ва табиатдан фойдаланиши соzлаш бошқармасига қарашли 7та ўрмон хўжалиги мусасасалари ходимлари иштирок этиб, туман, шаҳардаги ўрмон хўжалик ва табиий боғларни тозалашди.

Экоакцияда 400 нафардан зиёд киши иштирок этиб, 400 туп дарахт кўчатлари ўтказилди.

## ЁШЛАР ФАОЛЛИКНИ ОШИРМОҚДА

Вилоят «Ёшлар имконият маркази» ходимлари, қишлоқ ёшлари ва кўнгилчилар «Тоza Қозоғистон» республика экологик акцияси доирасида Саврон туманидаги Бобойўрган қишлоғини тозалашди. Шанбаликда 200 нафарга яқин йигит-қиз иштирок этди. Улар қишлоқ кўчаларида дарахтларни оқлашди ва чиқиндидан тозаланди.

\*\*\*

Вилоят «Ёшлар имконият маркази» ходимлари, қишлоқ ёшлари ва кўнгилчилар «Тоza Қозоғистон» республика экологик акцияси доирасида Ўранғай қишлоғини тозалашди.

Шанбаликда 150 нафарга яқин йигит-қиз иштирок этди. Улар қишлоқ сув омборлари атрофини тозалаш ишларида иштирок этишди.

## АТРОФ-МУҲИТНИНГ ТОЗАЛИГИГА БАРЧА МАСЪУЛ

«Тоza Қозоғистон» лойиҳаси доирасида вилоятимизнинг туман, шаҳар ва қишлоқларида тозалаш ишлари бошланди. Шунингдек, вилоят полицияси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қондаларини бузиш, жамоат жойларини ифлослантириш, яшил майдонларга зарар етказишининг олдини олиш мақсадида тизимли ишларни амалга оширмоқда. 2 кунлик тадбир полиция 739та ҳуқуқбузарликни аниқлади ва жазо чоралари кўрилди.

Хусусан, жамоат жойларини ифлослантириши, шу жумладан, белгиланмаган жойларга ахлат ташлаш бўйича 267та ҳолат аниқланди, ҳуқуқбузарлар жазога тортилди.

Шунингдек, полиция тартибга риоя қилишни, ноқонуний ҳаракатларга йўл бермасликка, атроф-муҳитнинг тозаллиги ва хавфсизлигини таъминлашга барча масъул эканлигини эслатди.

## САНЪАТКОРЛАР ҲАМ АКЦИЯДА ФАОЛ

Минтақамиздан чиққан санъаткорлар юртимизда ўтказилаётган «Тоza Қозоғистон» экологик акциясини қўллаб-қувватлаб, ҳамюртларимизни унда фаол иштирок этишга чақиривди.

Таниқли хонанда, суҳандон Жанатбек Байтеков, «МузАрт» гуруҳининг яққон хонандаси Кенжебек Жанабилов, шу билан бирга таниқли эстрада юлдузлари Жубаниш Жексенули ва Ғазизхан Шекербек, «Конгресс холл» кўп соҳали мажмуасининг бадиий раҳбари, таниқли продюсер Сержан Мўлдасинули, Р. Сейтметов номидаги Туркистон шаҳар музика драма театрининг раҳбари Арман Алиев, театр артистлари Нуржан Изтаев ва Шакен Амантуров, Ш. Қалдаяқов номидаги филармония хондалари Мамадияр Таукеев ҳамда Данияр Исмаилов акциянинг аҳамиятига тўхталиб, умумхалқ тадбирни қўллаб-қувватладилар.

## «ҚИШЛОҚ – ЭЛ БЕШИГИ» ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА

2023 йилда вилоятимизда «Қишлоқ – эл бешиги» дастури доирасида 166та аҳоли манзилида 352та лойиҳа амалга оширилиб, 31,3 млрд. тенге ўзлаштирилди. Натижада 297та лойиҳа доирасида барпо этилган иншоотлар фойдаланишга топширилди. Мазкур лойиҳани давом эттириш масаласи вилоят ҳокими Дархан Сатибалди раислигида ўтган девон мажлисида муҳокама қилинди.

Вилоятнинг иқтисодиёт ва бюджетни лойиҳалаш бошқармаси раҳбари Қанатбек Қайипбекиннинг айтишича, «Қишлоқ – эл бешиги» лойиҳаси доирасида жорий йилда 165та лойиҳа амалга оширилади. Шу мақсадда жами 25,3 млрд. тенге ажратилди. Жумладан, 107таси янги лойиҳалар. Уларни амалга ошириш натижасида 134та аҳоли манзилининг ижтимоий-инфратузилмавий тизимлари янгиланади.

Жорий йил 1 апрель ҳолатига кўра, 107та лойиҳанинг қурилиш-монтаж ишлари бўйича 96та давлат хариди танловлари эълон қилинди. 18та лойиҳа бўйича голиб пудратчи компаниялар аниқланиб, шартнома тузиш ишлари бошланди.

## ОЛАМ ЧАМАН БЎЛСИН ДЕБ...

Вилоят ҳокими ўринбосари Бейсенбай Тажибаев раислигида ўтган йиғилишда сайёҳлик мажмуалари ва муқаддас қадамжоларни тозалаш масалалари кўриб чиқилди.



Тадбирда вилоят Маданият ва сайёҳлик бошқармаси раҳбари ўринбосари Нурдаулет Медеуов минтақадаги сайёҳлик иншоотларининг санитария ҳолати ва экотуризмнинг тараққиёти тўғрисида маъруза қилди. Унинг сўзларига кўра, 2023 йилда Туркистон вилоятига келган сайёҳлар сони ортган. Йил якунларига кўра, минтақага 1 миллионга яқин бир кунлик ташриф буюрувчилар келган.

Таъкидлаш жоизки, шу кунларда муқаддас шаҳарда «Тоza Қозоғистон» экологик акцияси доирасида табиатни муҳофаза қилиш, тозалаш, ободонлаштириш тадбирлари ташкил этилмоқда. Уларда туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳам иштирок этмоқда.

## «ИЛҒОР УСТОЗ–2024» ТАНЛОВИ НАТИЖАЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Байдибек туманида Улуғ Ватан уруши фахрийси, ибратли устоз Шамшибек Байзақовнинг 100 йиллигига бағишланган «Илғор устоз–2024» анъанавий танлови якунлари эълон қилинди.

Ўқитувчилар беллашувига Шамшибек Байзақовнинг ўғли, «Байдибек туманининг фахрий фуқароси» Ерқуат Байзақов ҳоймийлик қилди. Вилоятнинг таниқли инсонлари ва жамоат арбоблари иштирок этган тадбирда Байзақовлар авлодига вилоят ҳокимининг ўринбосари Бейсенбай Тажибаевнинг табрик мактубини вилоят

Вилоят ҳокими ўринбосари Бейсенбай Тажибаев Байдибек туманига хизмат сафари билан ташриф буюрди.

## ЯНГИЛАНИШДАН ЮКСАЛАЁТГАН ТУМАНДА БАЙДИБЕК ТУМАНИДАГИ ЭСКИРГАН САЙЁҲЛИК ВА ИЖТИМОЙ ИНШООТЛАР ЯНГИЛАНАДИ

У қатор ижтимоий ва сайёҳлик иншоотларини кўздан кечирди. Байдибек тумани ҳокими Ерлан Нурмаханов сайёҳлик, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган тадбирлар билан таништирди. «Тоza Қозоғистон» республика экологик акцияси доирасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди. Вилоят ҳокимининг муовини фуқаролар қабулини ўтказиб, долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Дастлаб у «Байдибек ата» ва «Қос ана» мақбараларини зиёрат қилди. «Қос ана» мақбарасида сиртқи пардозлаш ишларини юритиб, пешлавахасини янгиланиш топширди. Ушбу ҳудуддаги эски қабр гилталарини тартибга келтириш ва археологик тадқиқот юритиш юзасидан кўрсатмалар берди. Шунингдек, у ёшлар билан биргаликда Байдибек ота мақбараси ҳовлисига арча экишда иштирок этди.

Ҳоким муовини болалар лагери фаолияти билан танишди. Байдибек ота қишлоғида жойлашган «Тау шыңы» болалар лагери 2012 йилда фойдаланишга топширилган. Мавсум даврида 1200 бола дам олади. Бир сменада 150 нафар болани қабул қила олади.

Бейсенбай Даулетули жорий йил лагерь биноларини тубдан таъмирлаш ҳамда интернет тизимини юритишни топширди.

фахрийлар кенгаши раиси Женисбек Мауленкулов тақдим этди.

Ҳакамлар ҳайъатининг қарори билан 3-ўринни эгаллаган Гулстан Махашева ва Сауле Асан қизига 500 минг тенге, 2-ўринни эгаллаган Элвира Кеншинбаевага 750 минг тенге, 1-ўринни эгаллаган Сейтхан Нурғелдиға 1 миллион тенге ва олий ўринни эгаллаган Динара Серперовага 2 миллион тенгелик сертификатлар топширилди.

## БАЛИҚЧИЛИК – ДАРОМАДЛИ СОҲА

Вилоятимизда «Балиқчиликни ривожлантиришнинг минтақавий дастури» тасдиқланиб, ўтган йили 6847 тонна балиқ етиштирилди. Жорий йилда 7000 тонна балиқ етиштириш режалаштирилган. Бугунги кунда тегишли ишлар олиб борилмоқда. Шу муносабат билан Туркистон вилоят табиий захиралар ва табиатдан фойдаланишни соzлаш бошқармаси томонидан ташкил этилган матбуот сафарига ОАВ вакиллари Қарноқ қишлоғидаги «Қазиханов» деҳқон хўжалиги фаолияти билан танишдилар.

Вилоятимиз сунъий кўлларида балиқ етиштириш бўйича мамлакатда етакчи.

Балиқчиликни ривожлантириш давлат томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Масалан, жорий йилда бу соҳага 500 млн. тенге, сармоа маблағларини субсидиялаш учун республика бюджетидан 237,5 млн. тенге ажратилди.

## ДЕҲҚОНЛАР КАРАМ ЙИФИШМОҚДА



Бугунги кунда келеслик деҳқонлар карам ҳосилини йиғишмоқда.

Лесбек Батир қишлоғи деҳқонлари ҳосилни экспорт қилишмоқда. 15 йилдан буюн деҳқончилик билан шуғулланиб келаётган Нурмухаммед Ҳамраев ўзи бошқараётган хўжалик ҳудудидида 1 гектар обикор майдонда карам етиштириб, 20 тонна ҳосил олди. У ҳосилни Астана, Алматы, Шимкент шаҳарларида сотмоқда.

Таъкидлаш жоизки, туманда ер майдони орди ва сабзавот етиштириш бўйича вилоятда карвонбошиликка эришмоқда.

»» Биргамиз

# КУЧ – БИРЛИКДА!

Бугун ҳеч ким бефарқ эмас Ғарбий вилоятларда юз берган сув тошқини ҳаммамизнинг бошимизга келган кулфатдир.

Шундай мураккаб пайтда, мисли кўрилмаган сув тошқинларидан зарар кўрган хўдудларга ёрдам бераётганлар орасида Қозоғистон ўзбекларининг фаоллигини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

– Қозоғистонда 80 йилдан буён кузатилмаган тошқинлар юзага келди. Сув қирғоқдан кўтарилди, аҳвол мушкул. Шу боис жорий йил 3 апрель куни “Юракдан юракка” акцияси доирасида Қозоғистон халқи Ассамблеяси аъзолари, жумладан, Шимкент шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмалари ҳам бу ишга ҳисса қўшишга сиздиқидилдан киришди. Бизда 14та бирлашма бор, улар хайрия тадбирларида иштирок этмоқда. Ва шахримизнинг 2та жойида штаб очилди, биринчи-



си – ҚХА биноси, яъни собиқ “Қозоғистон” кинотеатри бўлса, иккинчиси – “Арай” МЧБ омбори. Шу ерларга шимкентлик тадбиркорлар ва кўнгилли ёшлар инсонпарварлик ёрдами олиб келишмоқда.

Асосан, Атиров, Ўрал вилоятларида 65 тонна юк жўнатди. Сайрамлик жонкуярлар томонидан ташкил этилган “Мейирим – Сайрам” хайрия жамғармаси ҳам гоят фаол бўлиб, қўстанайликларга мурувват кўрсатишди. Қўстанай шаҳрига 5 тонна озиқ-овқат, кийим-кечак ва гигиена маҳсулотлари билан тўлдирилган катта юк машинаси 10 нафар кўнгилли йигит билан йўлга чиқди. Йигитлар у ерда 2-3 кун

бўлиб, тошқин хўдудларидан кўчирилган одамларни иссиқ овқат билан таъминлайди.

Шу тариқа саҳий биродарларимиз ёрдамида 7 миллион 600 минг тенгега яқин маблағ йиғиб, хайрия ёрдами кўрсатдик, – дейди Шимкент шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Тоҳир Нишонбоев.

Таъкидлаш жоизки, хайрия тадбири шу билан тўхтаб қолгани йўқ, шимол аҳолисининг ҳолидан хабар олиш, уларга дастлабки ёрдам бериш давом этмоқда.

Бу ҳақда республика ўзбек этномаданият бирлашмаларининг “Дўстлик” ҳамжамияти раиси Икром Ҳошимжонов шундай дейди:

– Мехрибонлик, мурувват ва саховат каби буюк қадриятларга эга халқимиз табиий офатдан жабр кўрган ҳамюртларимизни ёлғиз ташлаб қўймайди, албатта. Баҳоли қудрат ёрдамни аямаямпиз. Биринчилар қаторида Қозоғистон ўзбеклари катта хайрия лойиҳаларини амалга оширишди. Шу куннинг ўзиде 75 млн. 780 минг тенгедан зиёд маблағ йиғиб, жабрланганларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатишди. Биз “Куч – бирликда” акцияси доирасида талофатни, албатта, биргаликда бартараф этамиз!

Н. МАВЛОНОВА.

# САХОВАТ ВА КЎМАК



деб қарор қилишди. Кейин бу ташаббус барча қишлоқ аҳолиси ва фаоллар томонидан қўллаб-қувватланиб, инсонпарвар ёрдам ҳажмини оширди.

Натижада, 400 оилага 2 тонна ун, 2,5 тонна картошка, 1 тонна гуруч, 3 тонна макарон, 350 литр ёғ, жами 6,2 тонна озиқ-овқат, 4 тонна ичимли

сув ва 400 қўти гигиена ва 400 қўти кир ювиш воситалари, 1та қайиқ, 3530та тўфондан ҳимоя қилиш буюмлари ва зарур жиҳозлар харид қилиб, инсонпарварлик ёрдами қарвони Ғарбга йўл олди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

# ТИС ЕМДЕУ КИМДЕР ҲАҚИДА?

ТМКК және МЭМС арқылы стоматологиялық көмекті барлық азаматтар ала алмайды.

Бұл азаматтардың санаттары Денсаулық сақтау министрлігінің №106 буйрығымен бекітілген, бұл халықтың жеке топтары

Шұғыл жағдайда қызметті алатын санаттар:

- 18-жасқа дейінгі балалар;
- жүкті әйелдер;
- ҰОС ардагерлері;
- зейнеткерлер;
- 1,2 және 3 топтағы мүгедектер;
- «Күміс алқа» және «Алтын алқа» төсбелгілерінің иелері;

- атаулы әлеуметтік көмек алушылар;
- мүгедек балаға немесе бірінші топтағы мүгедекке күтім жасайтын жұмыс істемейтін азаматтар.

Көрсетілетін көмек түрлері:

- жансыздандыру;
- салманы дайындау және орналастыру;
- жансыздандыру арқылы тіс жұлу;
- периостотомия;
- абцесті ашу.

Жоспарлы түрде қызметті алатын санаттар:

- 18 жасқа дейінгі балалар;
- жүкті әйелдер.

Көрсетілетін көмек түрлері:

- жансыздандыру арқылы тіс жұлу;
- салманы дайындау және орналастыру.

Мектептер бойынша тегін көмек:

- оқушылардың көзі тексеріледі;
- ауыз қуысын тексерістен өткізу;
- жарықтарды жабу (тістердің беткейінде орналасқан табиғи ойықтар).

С. М. БЕКПУЛАТОВ, «Ақмарал» ауруханасының салауатты өмір салты дөрігері. Түркістан қаласы.

»» Унутмоқ осонмас сизларни...

# НАВРЎЗНИ ЯҚИНЛАШТИРГАН ИНСОН ЭДИ



Олим, математика фанлари номзоди Собиржон Нурматов 59 ёш умр кўрди. У собиқ СССР тарихида биринчи бўлиб миллий маданий марказ очган, халқ, миллат, давлат қайғуси билан яшаган инсон эди. 1985 йил. С. Нурматов давр тақозоси билан миллат олдида турган, 70 йилдан буён тўпланиб келаётган муаммоларни кўтариш ва уни ҳал қилиш учун миллий ташкилот зарур, деган хулосага келади. Бунинг учун миллатни, айниқса, илғор зиёлиларни жалб қилиш, уйғотиш зарур эди. Фикр-мулоҳазалари билан 1986 йилнинг куз фаслида юртимизнинг бир гуруҳ илғор зиёлилари билан ўртоқлашди. У пайтларда миллий масала бўйича дуч келган одам билан гаплашиб бўлмади. Улар Собиржон Ҳамид ўғлини қўллаб-қувватладилар ва тез орада ҳамкорликда иш бошлашди, тез-тез учрашиб, тузилажак ташкилот – «Ўзбек маданият маркази» низоми ва дастурини ишлаб чиқишга киришадилар.

Шимкентлик бир гуруҳ зиёлиларнинг фаолияти ва ташаббуси Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг раҳбарлари, жумладан, ҳамюртимиз, ёзувчи Одил Ёқубов, шоир Мирпўлат Мирзо ва Тоҳир Малек қўллаб-қувватладилар. Халқимиз орасида тушунтириш, ташвиқот ишлари олиб борилди. Кўпчилик уларни тушунмас, ҳатто гапларидан ўзини олиб қотарди. Хуллас, маслақдошлар топиш осон кечмади. 1989 йил ёзига бориб уларнинг сафи аранг, 15-20 кишига етади. Улар орасида Икром Ниёзов, Марҳаб Абдиева, Абдулла Абдуқодиров, Матёкуб Олимов, Абдумажид Муханов, Махаммаджон Саидов, Абдусаид Қорахўжаев, Эрнзар Рўзиматов, Эшпўлат Қирғизбоев, Шукрулла Мухаммаджонов, Сарварий, Турсунхўжа Хонхўжаев ва бошқалар (исми тилга олинмай қолган ҳамюртларимиздан узр сўрайман, бош мақсадим – ҳисобот бериш эмас, Собиржон Нурматовнинг жасоратини баён этиш) хайрихоҳлик билдириб, фаол қатнашдилар. Вилоят миқёсида курултой ўтказиш учун тайёргарлик ишлари бошланиб кетади. Собиқ Иттифоқда биринчи бўлиб ўзбек миллатининг муаммоларини кўтариб, уларни ҳал қилиш учун мўлжалланган ташкилот тузилаётган эди.

Ниҳоят, 1989 йил 17 декабрда вилоят филармонияси (Шимкент шаҳри)да 500га яқин миллатимиз вакиллари иштирокида «Ўзбек маданият маркази»нинг таъсис курултойи очилди ва халқнинг миллий байрамига айланди. Курултойда миллатимиз олдида турган қатор долзарб муаммолар, жумладан, тилимиз, урф-одатларимизни сақлаш, анъаналаримизни тиклаш ва ривожлантириш, Ўзбекистон ва чет эллардаги миллатимиз вакиллари билан борди-келди, маданий ва иқтисодий алоқалар ўрнатиш, олдимизда турган муаммоларни тегишли ташкилотлар (давлатлар) билан ҳамкорликда ҳал қилинишини жадаллаштириш, таълим-тарбия, маориф, ўзбек тилида теллекўрсатувлар ташкил қилиш, миллий рўнома чоп этиш, «Ўзбек драма ва комедия» театри очилди, Наврўз байрамини кенг нишонлаш ва бошқа қатор масалалар муҳокама қилинади. Курултой иши давомида миллатимиз вакиллари ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар. Шу аснода, курултой ечимини кутаётган масалалар юзасидан қарор қабул қилди.

Муаммоларнинг ечимини тезлаштириш мақсадида жойларда – Сайрам туманида М. Эрметов, М. Мухиддинов, Тўлебий туманида А. Қорахўжаев, Туркистон шаҳрида Э. Рўзиматов, Кентов шаҳрида С. Бекмуродов раислигида «Ўзбек маданият маркази» очилди.

Кўп ўтмай, Тожикистон, Қирғизистонда «Ўзбек маданият маркази» очилди, унда жанубийқозоғистонликларнинг тажрибалари қўл келди. Тожикистонда ва Қирғизистонда ўтган анжуманларда вакилларимиз иштирок этди. Курултойда кўтарилган масалаларни Қозоғистондаги ўзбеклар муаммосини давлат муаммоси даражасигача кўтариб, Ўзбекистондаги «Қозоқ маданият маркази» раиси Артиқ Укибаев билан ҳамкорликда, Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентлариغا мурожаат қилишди. Мурожаат эътиборсиз қолмади.

Натижада, икки миллат – Қозоғистондаги ўзбеклар ва Ўзбекистондаги қозоқлар муаммолари Собиқ Иттифоқда илк бор икки республика ўртасидаги 1990-1995 йилларга мўлжалланган республикалараро сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий алоқалар дастурига киритилди. Қўллаб муаммолар икки давлат раҳбарлари Н. Назарбаев ва И. Каримовларнинг 1991 йилнинг ёзидаги Туркистон шаҳрида дўстлик, тинчлик, ҳамкорлик ва бошқа масалаларга бағишланган учрашувида ечимини топди. Бу ҳам миллатимиз тарихида муҳим воқеа бўлди.

Шундай қилиб, «Ўзбек маданият маркази» миллатлар орасида тинчлик-тотувликни сақлаш, дўстлик ўрнатиш ишига салмоқли ҳисса қўшди. Ишончли манбаларнинг хабарига кўра, Ўзбекистондаги «Қозоқ маданият маркази» раиси А. Укибаев С. Нурметов ишлаб чиққан дастурдаги ҳаракатлар режаси билан Ўзбекистон Президенти И. Каримовни таништирди. Дастурнинг мукамаллиги шу даражада эканки, Ўзбек элининг раҳбари Укибаевни ўз маслаҳатчиси лавозимига тайинлади. Шундан кейин марказнинг ишлари юришиб кетади. Тез орада «Дўстлик байроғи» (ҳозирги «Жанубий Қозоғистон») рўномаси очилади. Сайрам музейи ташкил этилди. Ўзбекистон республикаси олий ўқув юртлири ва билим юртлирига талабалар алмашинуви амалга оширилиши, вилоят ойнаи жаҳонда ўзбек тилида ойнаи келатган эшиттириш учун вақт ажратилиши шулар жумласидандир.

Вилоятимизга Ўзбекистондан шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар тез-тез ташриф буюриб туришди. Жумладан, шоирлар Эркин Воҳидов, Мирзо Кенжабек, ёзувчи Ўткир Ҳошимов, таниқли адабиётшунос олимлар, профессор Умарали Норматов, филология фанлари номзоди Саъдулла Сиёев ва бошқалар билан учрашувлар уюштирилди. Уларни ташкил этишда адабиётшунос олим, фалсафа фанлари номзоди Умринисо Мусаеванинг ҳиссаси салмоқли бўлди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Юлдуз Усмонова, Камолиддин Раҳимов, Ортиқ Отажонов, Бобомурод Ҳамдамов, Кумуш Раззоқова, сўз усталари Обид Асомов ва бошқалар санъат билан халқимизни хушнуд этдилар.

1991 йили «Ўзбек маданият маркази» қошида кутубхона очилди. Юқори ташкилотларда, раҳбар кадрлар орасида миллатимиз вакиллари йўқ эди, бу борада ҳам бир оз силжишга эри-

шилди. Вилоятимизда соф ўзбек мактабларини сақлаб қолиш, уларнинг сифатини яхшилаш ва сонини кўпайтириш масалалари кўтарилди.

Вилоят марказидаги 13-сонли мактабда раққоса қизлар дастаси ташкил этилди (раҳбарлари Зуҳра Қурбонова, Озода Мусаева). А. Навоийнинг 550 йиллиги кенг нишонланди, Наврўз ва бошқа халқ байрамлари тикланиб, нишонланди. Санъаткорларимиз ва миллатимиз вакиллари тумандан тортиб республика миқёсидаги байрам ва анжуманларда иштирок этиб, элнинг олқишига сазовор бўлишди.

«Ўзбек маданият маркази» республикамиздаги ўзбеклар муаммоларини кўтарганлиги ва айримларини ҳал этиш билан биргаликда, маҳаллий раҳбарлар нафақат вилоят, балки расмий равишда шаҳар миқёсида қонунийлаштирилди. Уларнинг олдида улкан вазифа, ташкилотни вилоят миқёсида расмийлаштириш вазифаси турарди. Қозоғистон мустақил давлат бўлгандан буён 1992 йил 2 февралда марказга «Вилоят ўзбек жамияти» мақоми берилди, тўғрироғи, «Жанубий Қозоғистон вилоят ўзбек жамияти», деб номлана бошлади. Жамият сўзини қўшишдан мақсад, ташкилотга нафақат маданият, балки сиёсий тус ҳам бериш керак эди. Чунки, миллат сиёсат билан чамбарчас боғланган.

Ташкилот олдида турган муаммоларни ҳал этишда Собиржон Нурматов етакчилигидаги ташаббускор гуруҳга яқиндан ёрдам берган аjoyиб миллатпарвар, ҳалқпарвар инсонларни афсуски, бирмабир санаб ўтиш имконияти йўқ. Бу ҳалқпарвар инсон ўзидан кейин ёруғ из қолдирди. Юқорида тилга олинган ишлар, албатта тарих зарарақлариде мангу қолади. Собиржон Ҳамид ўғлининг тарихини халқ унутмайди. Зеро, тарихини унутган жамиятнинг келажаги йўқ.

Физика-математика фанлари номзоди бўлса ҳам Собиржон Нурматов маданият соҳасида юксак қўққиларни забот этган фидойи жамоат аربоби эди. Советлар даврида миллий маданият маркази ташкил этиш учун, халқимизнинг ибораси билан айтганда, отнинг калласидеи ярак керак эди одамга. Собиржон Ҳамид ўғлининг бу ишини ҳаққий қарамонлик деб баҳоласак, ҳеч мулоага бўлмайди, зеро, бундай ишларни бошлаш ўз жонини гаровга қўйиш билан баробар эди. Лекин, бу фидойи ва қамтарин инсон халқ олдидаги хизматлари учун биронта мукофот билан тақдирланмади. Таъкидлаш жоизки, Собиржон Нурматов миллий маданият маркази ташкил этиш гоёси билан 1986 йили чиққан, унинг жонбозлиги ва саъй-ҳаракатлари билан 1989 йили «Жанубий Қозоғистон вилоят ўзбек маданият маркази» ташкил этилган. Бош мақсад – шу даврда қозоғистон ўзбекларининг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида алоҳида ўрин тутишини ва юрт истиқлиқи, раванқи, сиёсий барқарорлигини мустақамлашда салмоқли ҳисса қўшишлари учун шарафлар яратиш эди. Бугунги кунда марказнинг барча фаоллари Собиржон Ҳамид ўғлини очиб берган йўлдан боришмоқда.

Ҳечдан кўра кеч яхши, дейди халқимиз. Шундай экан, ушбу мақола сабаб, бирин-кетин устозга бағишланган хотиралар газета саҳифаларида чоп этилса ва қарамонимиз хотирасини абадийлаштиришга бағишланган қатор тадбирлар амалга оширилса, нур устига нур.

Мақолани ёзишдан мақсад, кимларгадир эътироз билдириб, кимларнидир айблаш эмас, балки барча зиёлиларга маънавий устоз бўлиб келган Собиржон Нурметовнинг хотирасини абадийлаштиришга ҳамюртларимизни чорлашдир, холос. Бу ишга ҳисса қўшини юқорида тилга олинган ва олинмай қолган барча зиёли юртдошларимиздан сўранамиз.

Отабай РАҲИМҒОЗИЕВ.

»» Янги Қозоғистонни бирга барпо этамиз!

## АМИР ТЕМУР НОМЛИ МАКТАБДА



2024 йилнинг улкан янгиликларидан бири – Туркистон шаҳрида соҳибқирон Амир Темур номли мактаб устоз ва ўқувчилари янги, кўп қаватли ва барча қўлайликларга эга мухташам ўқув биносига кўчиб ўтди.

“Жанубий Қозоғистон” вилоят газетаси тахририяти А. Темур номли мактабга янги ўқув биноси зарурлиги хусусида шаҳар ҳокимлиги, маслаҳати, таълим ва қурилиш бўлими, вилоят, шаҳар маслаҳати депутатларига кўп бора мурожаат этиб, пировардида масала ижобий ҳал қилинганлиги шонли тарих.

Домий обуначимиз Рўздат ҳожи Камолов меҳнат қиладиган ушбу мактабда обун ишлари билан олий маълумотли тажрибали мутахассис, Тошкент маданият институтининг кутубхоначилик факультетини муваффақиятли тамомлаган Наргиза Зокир қизи шугулланади. Н. Алимованинг меҳнат тажрибаси 31 йилдан зиёд. Туркистон шаҳар маслаҳати депутати Дониёр Аюлов ҳоимлигида мактаб кутубхонасига қўшимча яна 20 нусха “Жанубий Қозоғистон” наشري узлуксиз етказилмоқда.

– Кутубхонамиз давлат тилидаги бадиий-илмий нашрлар баробарида шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси ташаббуси билан ўзбек тилидаги бадиий адабиётлар билан таъминлаганди. Бунинг учун миннатдорчилик билдирамиз, – дейди Н. Алимова(тасвирда).

Р. МАДАЛИЕВ.

## ШИФОКОР-ШОИРНИНГ ЭВАРАЛАРИ

ЁКИ СЎНГИ ВА БИРИНЧИ  
ҚЎНГИРОҚ ОРАЛИҒИДАГИ  
ВАЗИФАЛАР

Туркистон минтақасидаги таниқли шифокор – шоир, “Жанубий Қозоғистон” газетасининг содиқ муштарийси Олимжон Дуржонбоев шаҳардаги Алишер Навоий номли мактабни олтин медаль билан тамомлаган биринчи ўқувчиларидан эди. Дуржонбоевлар сулоласининг барча вакиллари, хусусан, Ғайрат, ўгли Бекзод, унинг умр йўлдоши Малика ҳам Навоий номли мактабда таҳсил олишган.

Анъанага мувофиқ, Олимжон боболари ўқиган мактабда эваралари Дилрабо ва Диланора Дуржонбоевалар ҳам аълога ўқимокда. Ун чақиримдан зиёд масофадаги мактабга бориб келишнинг ўзига икки соатдан зиёд вақт кетади. Мактабда инглиз, рус, қозоқ тиллари баробарида она тилимиз ҳам пухта ўргатилади. Муддаомизга кўчсак. Сўнги йилларда ота-оналари А. Навоий номли мактабга биринчи синфга ўқишга етаклаб келатган ўқувчилар сони кўпайиш ўрнига камайиб бормокда. Бу лоқайдлик давом этаверса, келажакда мактаб тақдири нима бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Биринчи синфга ўқувчиларни тўплашда Туркистон шаҳрида пешқадам бўлиб келатган Ҳамза номли мактаб устозлари иш тажрибасини ибрат сифатида кўрсатамиз. Бу ерда биринчи синфга ўқувчиларни жалб қилиш маъмурият ва устозлар жамоаси томонидан шундай ташкил этилган, барча ўқувчиларни жой етишмаслиги сабабли сигдиришнинг имконияти йўқ. Навоий номли мактабда эса жой ва синфхоналар етарли.



Мактаб ўқувчилари ёзги таътилга чиқиш олдидан ўтказиладиган сўнги қўнғироққа ҳам яқин қолди. Сўнг яна биринчи қўнғироқ чалинади. Шу тантаналар оралиғида муддатда биринчи синфга ўқувчиларни тўплашни пухта ташкил этиш биринчи навбатда мактаб жамоаси зиммасидаги муқаддас вазифадир. Зеро, бу ишда қуруқ сабаб, ўринсиз баҳона эмас, тинимсиз ҳаракат ва меҳнатга асосланган аниқ натижа мўҳим.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирда: О. Дуржонбоевнинг эваралари.  
Муаллиф суратга олган.ЯНГИ ҚОЗОҒИСТОННИНГ  
ИСТЕЪДОДЛАРИ

Тўлебий туман болалар бадиий мактабининг “Ақ кербез” рақс дастаси “SHASHU FEST” халқаро танловида иштирок этиб, биринчи ўринни эгаллади. Ғолибларга эсдалик совғалари ва Фахрий ёрликлар топширилди.

Мазкур болалар мактаби ўқувчилари «Буюк Ипак йўли» анъанавий халқаро кўрик-танловида ҳам фаол иштирок этади. Ушбу тадбирнинг ташкилотчилари – Хитой Халқ Республикаси, Урумчи университети, Тожикистон Республикасининг Панжикентдаги Тожиқ давлат университети ҳамда Қозоғистоннинг Минтақавий ижтимоий-инновация университети, «Сирдарё» университети.

– Мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида барча соҳаларда улкан ютуқларга эришгани, халқимизнинг тинч, осойишта ҳаёти, хавфсизлик ва барқарорлигининг таъминлангани, Ватанимизнинг қудрати ва салоҳияти, халқаро майдондаги обрў-эътибори тобора ортиб бораётгани, ёшларимизнинг онгу-тафаккури, ижтимоий фаоллиги ошиб бораётгани, қишлоқ ва шаҳарларимиз қиёфаси туб-

дан ўзгараётгани албатта, тасвирий санъат вакиллари ҳам илҳом бахш этмоқда, – дейди мактаб директори А. Султанова. – Уларнинг ўз истеъдоди ва қобилиятларини намоян этиш учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Маълумки, ҳар йили мамлакатимизда Қозоғистон халқи бирлиги кўни арафасида “Қозоғистон – умумий уйимиз” анъанавий кўрик-танлови кўтаринки руҳда ва юксак савияда ўтказилиши ҳам шундай имкониятлардан биридир.

Ш. ОКТЯБРОВА.

»» 2024 йил – МДҲда Қўнғиллилар йили

ОҚСАЁТГАН  
СОҲА

Оғир дардга чалинган кишиларга ҳамдард бўлиш, уларнинг касалига даво топиш учун турли йўллари ахтараётган ҳамюртларимизнинг сазой-ҳаракатлари таҳсинга лойиқ. Шундай савобталаб юртдошларимиздан бири, “Домики” (“Уйчалар”) хайрия лойиҳаси қўнғиллиси Мария Брезинскаядир.



У Шимкент педагогика ва Москва Илмий-техник ахборот институтларини тамомлаган. Меҳнат фаолиятини маиший хизмат кўрсатиш соҳасида бошлаган.

Унинг тадбиркорлик соҳасидаги илк ташаббуси турмуш ўртоғи билан 2007 йилда асос солган «Буквадел» реклама компанияси. Корхона турли ёрликлар ва ташқи реклама лавҳаларини ишлаб чиқаради.

Мариянинг ташаббуси билан ўнлаб кенг миқёсдаги тадбирлар ўтказилди, жумладан, йирик фестиваллар: «Йога Фест», «H2O FEST», фитнес ва спорт фестивали, «ART LIFE SHOW» фестивали, шунингдек, Қозоғистон рекордлар китобига киритилган «КИНЭС» ватанпарварлик акцияси ва бошқалар.

Мария Туркистон вилоятида ўтказиладиган хайрия ишларида фаол иштирок этмоқда. Арисадаги портлашлардан кейин у уйсиз қолган одамларга ёрдам бериш учун биринчилардан бўлиб шаҳарга борган эди. Ва у ҳамон Арисада хайрия тадбирлари ўтказиб, кам таъминланган оилаларнинг ҳолидан хабар олиб туради.

Мария Тўғис сув омбори соҳилида дам олиш масканини очди. Шимкентда, сўнгра Алматида ҳордиқ масканлари очди.

Уларнинг бугунги фаолияти тўғрисида кенгроқ маълумот олиш учун бир неча саволлар билан мурожаат қилдик.



– «Буквадел» корхонасининг мақсади нима?

– Жамоат ташкилотимиз асосан, хайрия ишларини амалга оширишни мақсад тутлади. Шу жумладан, кам таъминланган оилаларнинг касал болалари даволанишига кўмаклашиш, саратон хасталиги билан оғриган болаларга ёрдам кўлини чўзиш каби ишларни амалга ошириш.

– Ҳозирги кунда амалга ошираётган ишингиз ҳақида сўзлаб берсангиз.

– Айни пайтда мамлакатимиздаги болалар учун махсуслаштирилган паллиатив ёрдам кўрсатиш лойиҳаси устида ишляман. Бу лойиҳа давлат томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Паллиатив ёрдамнинг асосий мақсади – касаллик пайтида оғриқни ўз вақтида ва самарали бартараф этиш, касалликнинг оғир асоратларини йўқотиш, жисмоний ва руҳий ёрдам бериш ҳисобланади. «Паллиатив» сўзининг маъноси саратон касаллик билан оғриб, умрининг сўнги кунлари яшаётган оғир касалларнинг қаттиқ оғриғини бартараф этиш, ҳаётининг охириги кунларини оғриқларсиз ўтказишни таъминлашдир.

– Ташкилотимиз бундай болаларни оғриқни сездирмайдиган сифатли дорилар билан таъминлаш, қон плазмаси,

хусусан, баъзи болалар мустақил ҳаракат қила олмай қолганида ногиронлик арава-чалари билан таъминлайди. Байрам кунлари уларнинг ҳар бирига совғалар улашамиз. Бу болаларнинг кўпчилиги камтаъминланган оилалар фарзандларидир.

Утган йили биринчи лойиҳа бўйича саратон касаллиги билан оғриган 45 болани ғамхўрлигимизга олган эдик. Бу йил оқсон (қон саратони) касаллигига чалинган болаларга ҳам паллиатив ёрдам кўрсатишни режалаштирдик. Бу болаларга моддий ёрдамдан ташқари, шу оила аъзоларига руҳий ёрдам ҳам кўрсатамиз. Уларнинг ота-оналари билан суҳбатлар ўтказиб, чўккан кўнглини кўтаришга ҳаракат қиламиз.

Афсуслар бўлсинки, бундай касалликка чалинган болалар сони бу йил ўтган йилдагидан анча кўпдир. Бу болаларга Шимкент шаҳридаги Туркистон вилоят саратон хасталиги касалхонасининг энг моҳир, тажрибали, юқори малакали шифокорлар тиббий ёрдам кўрсатмоқда. Улар бу болаларнинг умрини узайтириш, дардига даво топиш учун тинимсиз заҳмат чекишади.

– Паллиатив ёрдамнинг маъноси нима?

– Паллиатив ёрдам аслида ижтимоий-тиббий кўмак ҳисобланади. Агар бола ка-

салликнинг охириги босқичида бўлиб, уни даволанишнинг сира иложи қолмаса ҳам, ҳаётдан боланинг умиди қолмаган бўлса ҳам, унинг санокли кунларини бўлса-да яхшилаш мумкин. Бу, албатта, ўша кунларни оғриқсиз ўтказишдир. Шу йўл билан уни салоҳиятли паллиатив ёрдам ва касбий маҳорат билан парваришланиш ҳамда болага махсус эътибор қаратиш лозим бўлади. Бунинг учун вилоят болалар касалхонасининг қон касалликлари бўлимида махсуслаштирилган паллиатив ёрдам ташкилоти кўмағида, биринчи навбатда, саратон касаллиги кучли қўзғалган оғриқ билан касалхонага келтирилган болаларни ётқизиш учун тўртта ётоқ ўрни ва бошқа замонавий жиҳозлари бўлган хона фойдаланишга топширилган.

Айтиш лозимки, паллиатив ёрдам касалликнинг хусусияти, беморнинг ёши ва ҳолатига қараб, ҳаммага берилиши мумкин. Бу даволанишнинг иложи бўлмаган пайтда ташхис қўйиш, даволаниш ва оғриқли тадбирларни маълум миқдорда камайтиради. Мутахассислар касалнинг жисмоний ва руҳий ўзгаришларини енгиллаштириб, уларнинг оиласига ҳам руҳий ёрдам бериши лозим. Паллиатив ёрдамнинг самарадорлиги юқори бўлиши учун оила аъзолари иштирокида кўп тармоқли усулда фаолият олиб борилиши керак. Шунда даволанишнинг иложи бўлмаган босқичда турган касалнинг умрини озгина бўлса-да узайтириш имкони пайдо бўлади.

– Режаларингизга тўхталсангиз.

– Лойиҳамизда шифокорлар ва ҳамширалар учун қай тарзда паллиатив ёрдам кўрсатиш лозимлиги ва унинг самарадорлигини оширишга оид ўқув-тренинглар ўтказишни режалаштирганмиз. Шунингдек, ташкилот ёрдамида касбий маҳоратли мутахассисларни жалб этиб, тиббий марказ очиб мақсадимиз бор. Бундай касаллар алоҳида даволаниши керак, деб ўйлайман. Иложи борича, касалланган болаларнинг дардига даво топиш, уларнинг умрини мазмунли қилиш – савобли ишдир. Биринчи навбатда республика бўйича саратонга урчанган болалар тизимини олиб, қайси минтақаларда паллиатив ёрдам сифатсиз ёки умуман йўқлигини аниқлашимиз керак. Чунки бундай ёрдам мамлакатимизда оммабоп эмас. Лойиҳамиз қўнғиллилари ушбу оқсаётган соҳани қўллаб-қувватлашни режалаштирмоқда.

– Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур!

Шаҳноза ОКТЯБРОВА.

Директор – Бош муҳаррир  
Райимжон Ортиқбой ўғли  
АЛИБОВЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:  
Муроджон АБУБАКИРОВ.  
Авазхон БҮРОНБОВЕВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

## Масъул шахслар:

Туркистон, Саврон – Шомира МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22.  
Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.  
Тўлебий – Баҳорой ДУСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16.  
Қазигурт – Хуршид КҮЧҚОРОВ. +7701-447-37-42.  
Сайрам – Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90.  
Тулқибаш – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71.  
Жетсай, Мақтарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97.  
Келес, Саригоч – Малика ЭЛПОЕВА. +7702-841-78-82.

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.  
Мулк эгаси – «Жанубий Қозоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти» масъулияти чекланган биродарлиги.

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўриги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.  
• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди, КЗ34ҒРҮ00022503 сувоҳнома берилган.  
«ERNUR» МҲБ Босмахонасида chop этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимуқов кўчаси, 22.

## МАНЗИЛИМИЗ:

160000, Шимкент шаҳри,  
Тауке хан шоҳқўчаси, 6-уй, 3-қават.  
Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66.  
Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсатиши – 65466.

Адади – 11700 нусха.

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

Бирор  
930.

Навбатчи муҳаррир: Мухтабар УСМОНОВА.